

Зулфия номидаги давлат мукофоти  
Республика комиссиясининг  
2009 йил 8 январдаги  
йиғилиши Баёни билан  
(тўлдирилган нусхаси)  
тасдиқланган.

## **Ўзбекистон Республикаси Зулфия номидаги Давлат мукофотига тақдим этиш ЙУРИҚНОМАСИ**

### **1. Зулфия номидаги Давлат мукофотига тавсия этиладиган номзодларга қўйиладиган талаблар:**

Зулфия номидаги Давлат мукофоти мактаб, лицей, коллеж ва олий укув юртларида таълим олаётган, аъло хулқи, олийжаноб инсоний фазилатлари, зукколиги, донолиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари, ёрқин истеъдодини намойиш қилиши билан бирга истиқлол ғояларини амалга ошириш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган **14 ёшдан 22 ёшгача** бўлган иқтидорли қизларга адабиёт, санъат, маданият, фан ва таълим соҳаларида эришган катта ютуқлари учун берилади.

Зулфия номидаги Давлат мукофотига талабгорлар ўзининг ватанпарварлиги, сиёсий-ижтимоий ва маънавий етуқлиги (Президент асарлари, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати ҳақида, истиқлол мафкураси асосида эркин фикр юрита билиши), Ватанимиз тарихи, миллий алломаларимиз ва жаҳон маданияти меросини яхши эгаллаганлиги билан ажралиб туриши лозим.

### **2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти номзодларининг асарларига қўйиладиган умумий талаблар:**

- Номзоднинг илмий-ижодий ишлари ўзининг янгилиги, илмий-амалий аҳамияти, бадиий қиммати билан алоҳида ажралиб туриши, халқимиз маънавиятини юксалтириш, Мустақиллик ғояларини амалга ошириш, жамиятимизда олиб борилаётган ижтимоий, иқтисодий, маданий ва маърифий ислохатлар моҳиятини очиш, мамлакатимиздаги ижтимоий ва маданий ҳаётни янада яхшилаш масалаларини ҳал этишга қаратилган бўлиши лозим;

- тавсия этилаётган ишларни баҳолашда уларнинг Ватанимиз ёки чет элларда чоп этилганлиги, етакчи мутахассислар томонидан юқори баҳоланганлиги, жамоатчилик томонидан эътироф этилганлиги инобатга олинishi лозим. Шунингдек, номзодлар танлаган соҳаларида Республика ҳамда халқаро миқёсдаги танловлар ва тадбирларда ютуқларни қўлга киритган бўлиши лозим. Шу жумладан:

#### **Адабиёт соҳасида:**

- барча жанрлар бўйича мукофотга тавсия этилаётган асарлар ғоявий- бадиий жиҳатдан юксак бўлиши, муаллиф дунёқарашининг ўзига хослиги, бугунги воқеликда рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришларни тасдиқлашга қаратилганлиги, шунингдек, оригинал бадиий-эстетик изланишлари билан ажралиб туриши керак.

- номзоднинг ижод намуналари жамоатчилик ва мутахассислар томонидан эътироф этилган, китоблари нашр қилинган ва ижодий ютуқлари юқори даражада бўлиши лозим.

#### **Санъат соҳасида:**

номзоднинг бадиий, илмий, ижодий асари (рассом, ҳайкалтарош, амалий безак устаси, дизайнер, бастакор яратган бадиий асар, санъатшунос, меъморчилик лойиҳаси, актёр яратган роллар, номерлар, телекўрсатув, радиоэшиттиришлар ва х. к.) долзарб муаммога бағишланган юксак маҳорат билан ижро этилган, танланган соҳада янгилик кашф этиш даражасида бўлиши ҳамда кадриятларни мустаҳкамланишига хизмат қилиши керак;

бадиий асар, ижрочилик, кино, театр, томоша, рақс соҳасидаги ишлар ёки

санъатшунослик илмий ишларини баҳолашда уларнинг Ватанимиз ёки чет элларда чоп этилганлиги, кўргазмаларда намоиш этилганлиги, ўзбек ва жаҳон халқларининг тарихий образларини бетакрор маҳорат билан ижро этилганлиги инобатга олиниши лозим. Шунингдек, амалиётчи ижодкорлардан 2 та тақриз (соҳасига қараб) бўлиши лозим. Тақризда мукофотга қўйилган асарнинг амалий аҳамияти, янгилиги ва долзарблиги ўз аксини топиши керак.

**Жумладан:**

***Театр, кино ва телевидение учун яратилган асарлар соҳасида:***

барча жанрларда яратилган асарлар, ижро этилган роллар юксак бадиий даражада яратилиши, мустақиллик ғояларини акс эттириши, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши ҳамда жамоатчилик эътирофига сазовор бўлиши лозим.

***Тасвирий, амалий, безак, дизайн ва меъморчилик санъати соҳасида:***

санъатнинг ҳамма турлари ва жанрлари бўйича мукофотга тавсия этилаётган асар ғоявий-бадиий жиҳатдан етук бўлиши, муаллиф дунёқарашининг ўзига хослиги, унинг воқеликка оригинал бадиий эстетик муносабати билан ажралиб туриши керак.

***Санъатшунослик бўйича:***

санъат тарихи, назарияси ва бадиий танқидчилик борасидаги тавсия этилган асарлар, телерадиосценарийлар, ижод ёки санъат турлари ва жанрларининг бирор бир соҳасининг етук асарлари бўлиши лозим.

***Профессионал бастакорлик маҳорати бўйича:***

кичик камер асарлар, вокал, йирик симфоник асарлар, замонавий эстрада кўшиқлари, кино ёки театр учун ёзилган мусиқа, болалар учун кўшиқлар тақдим этилиши мумкин. Улар клавира ёки партитура ноталари ва видео тасмаларга олинган ҳолатда комиссияга тақдим этилади.

***Профессионал концерт ижрочилиги бўйича:***

миллий-анъанавий кўшиқчилик маҳорати;  
миллий замонавий эстрада кўшиқчилиги маҳорати;  
миллий чолғуларда (най, дутор, рубоб, доира, чанг ва ҳ.к.) профессионал ижрочилик маҳорати;  
ғарб чолғуларида (пионино, скрипка, альт, виолончель, флейта) ғарб классик ва замонавий ўзбек композиторларининг асарларини ижро этиш маҳорати;

**Фан соҳасида:**

тақдим этилаётган иш замонавий, илмий муаммоларни ҳал этишга бағишланган ёки халқимизнинг маънавий меросини ўрганишга қаратилган янгилик, кашфиёт, илмий ишланма ёки илмий асар бўлиши шарт;  
ишчи гуруҳи иккинчи босқичда танланган илмий ишларга учта етакчи мутахассис-олимларнинг тақризларини олади;  
ишнинг долзарблигига оид қуйидаги кўрсаткичлар ўз аксини топган бўлиши лозим;  
илмий кашфиёт, ишланма ёки мақоланинг назарий қиммати;  
асарнинг амалий аҳамияти;  
ишланманинг патентлашга лаёқатлилиги;  
ишланманинг иқтисодий самара бериши, илмий асосланганлиги;  
санъатшунослик ёки адабиётшунослик соҳасидаги илмий ишлар;  
кутубхоначилик соҳасидаги илмий ишлар.

**Таълим соҳасида:**

аъло хулқи, маънавий гўзаллиги ва ўқув жараёнидаги кўрсаткичлари билан барча педагогик жамоа ҳамда ота-оналар ўртасида хурмат-эътибор қозонган;

таълим, адабиёт ва санъат соҳасида алоҳида истеъдодини намоён қилган (турли кўрик-танловлар, вилоят, республика ва халқаро фан олимпиадаларидаги иштироки, таълим бериш бўйича янги изланишлари...)

маънавий ахлоқий жиҳатдан пок, ватанпарвар, юқори маданий ва маърифий савияга эга бўлган, миллий урф-одатларимиз ва қадриятларимизни эъзозлаган, тарихимизни эса яхши билган;

“Ўзбекистон-Ватаним маним” ғоясини мадҳ этувчи, бунёдкор, меҳнаткаш халқимизни улуғловчи, инсонлар қалбида муқаддас Ватан тупроғини асраб авайлаш, зарур бўлса жон фидо қилишга ундовчи ғояларни амалга оширишда ўзининг муносиб ҳиссасини кўшиб келаётган;

зукколиги, донолиги, ташаббускорлиги ҳамда истеъдодини яна бошқа бир йўналиш бўйича кўрсата олган бўлиши лозим.

### **Маданият соҳасида:**

Мустақиллик мафқурасини, истиқлол ғояларини жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш ва амалга ошириш йўлидаги астойдил меҳнатлари, элига, юртига садоқати;

оммавий сайл, фестивал ва бошқа тадбирлар сценарийларини ишлаб чиққанлиги, маданият ва истироҳат боғларида ўтказиладиган тадбирларни юқори савияда ташкил этганлиги;

журналистика бўйича мақолалари, шеър ёки ҳикоялари республика, вилоят матбуотида босилганлиги;

халқ ижодиёти ва хунармандчилиги маданиятини ривожлантириш йўлида астойдил меҳнат қилаётгани инobatга олинади;

спорт соҳасининг ривожланишига, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга муносиб ҳисса кўшиб келаётган, спорт соҳасида қатор ютуқларга эришган қизлар тавсия этилади.

### **3. Танлов ўтказиш босқичлари:**

#### **1 босқич (сентябрь)**

Мактабларда, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртларида ўтказилиб, ўқув муассасаси педагогика кенгашларининг тавсиясига биноан, номзодларнинг ишлари туман, шаҳар комиссияларига тақдим этилади;

Туман-шаҳарларда мавжуд оммавий ахборот воситаларида номзодлар, уларнинг фаолияти, эришган ютуқлари ёритиб борилади;

#### **2 босқич (октябрь-ноябрь)**

вилоят халқ таълими бошқармаси, ўрта махсус бошқармалари, олий ўқув юрти, илмий тадқиқот муассасалари илмий кенгашлари ва вилоят бошқармалари ҳамда туман-шаҳар комиссиялари тавсиялари асосида номзодларнинг ишлари вилоят комиссиясида кўриб чиқилади;

вилоят оммавий ахборот воситаларида номзодлар, уларнинг фаолияти, эришган ютуқлари ёритиб борилади;

номзодларнинг ишлари вилоят комиссияларида кўриб чиқилади ва ҳар бир йўналиш бўйича 1 тадан, жами 5 нафар номзод танлаб олиниб, Республика комиссиясига тақдим этилади.

#### **3 босқич (декабрь-январь)**

Республика комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тақдим этилган номзодларнинг ишларини кўриб чиқади;

Республика оммавий ахборот воситаларида номзодлар, уларнинг фаолияти, эришган ютуқлари ёритилиб борилади;

Республика комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан биттадан номзодни танлаб олади ва Вазирлар Маҳкамасига тавсия этади.

#### **4. Хужжатларни тақдим этиш ва расмийлаштириш тартиби:**

Адабий-бадий, илмий ишлар тўпламлари, 50 саҳифагача бўлган ҳажмда, тасвирий санъат асарлари шу асарлардан олинган фотосуратлар шаклида, мусиқа ва ижрочилик ишлари эса 20 минутдан кам бўлмаган ҳамда аудио ёки видео тасмаларга ёзилган ҳолда тақдим этилади;

хорижий тилларда чоп этилган асарлар ўзбек тилига таржима қилинган ҳолда кўриб чиқилади;

ҳар бир иш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссияларининг қарори, йўналиш бўйича Ишчи гуруҳ хулосалари ва қарори ҳамда раҳбар ташкилотлар тақдимномаси билан юборилади. Қарорда муаллифнинг исми, фамилияси ва отасининг исми, агар бўлса, адабий тахаллуси, асарнинг номи, қисқача баёни, кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилганлиги ҳақидаги маълумотлар, мукофотга тақдим этиш асослари, муҳокама катнашчиларининг хулосалари кўрсатилиши ва қарорга матбуотда эълон қилинган тақризлар илова қилинган бўлиши керак;

номзодни тавсия этаётган ўқув муассасаси ёки ташкилотнинг қарори раислик қилувчи ва котиб томонидан имзоланган бўлиб, раҳбар ташкилот муҳри билан тасдиқланади; Шунингдек, Республика комиссиясига қуйидаги хужжатлар ҳам тақдим этилади:

номзоднинг шахсий варақаси, таржимаи ҳоли, 12х9 (3х4) ўлчамдаги фотосуратлари ва ўз фаолияти давомида олган рағбатномалари нусхалари ва рўйхати;

ўқиш жойидан берилган, мазкур ташкилот раҳбари томонидан имзоланган, муҳр билан тасдиқланган ижодий ва ижтимоий-сиёсий тавсифнома, тавсияномалар ва тақдимномалар;

асар ҳақида матбуотда эълон қилинган тақриз ва билдирилган фикрномалар ва (лозим бўлганда) бошқа тегишли хужжатлар.

**5. Совриндорлар рўйхати** оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Уларга мукофотланганлик ҳақидаги Диплом, кўкрак нишони Халқаро хотин-қизлар куни арафасида тантанали вазиятда топширилади. Бир марта бериладиган пул мукофоти қарор эълон қилингандан сўнг бир ой муддат ичида берилади.

#### **6. Республика комиссиясига тавсия этиладиган ишлар**

**Қуйидаги манзилга жўнатилиши керак:** 100078, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, Ўзбекистон хотин-қизлар Қўмитаси қошидаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияси.